

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ” КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 338.45.06

РАИМОВ МАХМУД НУРИЛЛАЕВИЧ

**ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ
САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**70310102 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги
бўйича**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доцент Г.Ғ.Умарова


Тошкент – 2023

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

33 - сонли баённома « 28 » 04 2023 й.

Илмий раҳбар:

Г.Ф.Умарова




ИМЗО

_____ сана

Магистр:

М.Н.Раимов



ИМЗО

_____ сана

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси мудирини,

доц. И.С.Хотамов _____

“ 8 ” май 2023 йил

Диссертация „Иқтисодиёт“ факультетига 2023 йил
29-майда 2/24-сон билан рўйхатдан ўтказилди.

Ҳимоя 2023 йил “ 31 ” 05 соат 10.00 да Тошкент давлат
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

АННОТАЦИЯ

Диссертация ишида тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқаришни самарали ташкил этишнинг назарий ва услубий асослари ўрганилган, тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар келтирилган.

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини, инвестицион ва экспорт салоҳиятини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва химоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, меҳнат бозорида кескинлик даражасини пасайтириш, аҳоли даромадлари ўсиши ва кам таъминланганликни қисқартиришга маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш орқали эришиш мумкин.

Хом ашёдан юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотгача бўлган экспортни босқичли ва режали қайта йўналтириш тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг янги стратегиясини шакллантиришга ёрдам берди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги Ўзбекистонда тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни самарали ташкил этишнинг назарий ва амалий тавсияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертация ишида ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш тушунчасининг моҳияти ва функциялари, уларнинг таснифланиши, корхона ривожланишига ишлаб чиқаришни самарали ташкил этишнинг таъсири ва унинг самарадорлигини баҳолаш, “Jizzax Toshtepa Tekstil” маъсулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва таклиф ҳамда тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: тўқимачилик саноати корхоналари, ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш, экспорт салоҳияти, стратегия, капитал, амортизация.

ANNOTATION

The dissertation work studied about the theoretical and methodological foundations of effective organization of production in textile enterprises, also presented the studies carried out on the issues of the effective organization of production at the enterprises of the textile industry.

Socio-economic development of Uzbekistan, ensuring macroeconomic stability and stability of economic growth, increasing the competitiveness of economic sectors, investment and export potential, creating favorable conditions for the development and protection of entrepreneurship, reducing the level of tension in the labor market, increasing the income of the population and reducing poverty. can be achieved by increasing production, service and their efficiency.

Phased and planned reorientation of exports from raw materials to finished products with high added value helped to form a new strategy for the development of the textile industry.

The scientific novelty of the research consists in the development of theoretical and practical recommendations for the effective organization of production in the enterprises of the textile industry in Uzbekistan.

In this dissertation were analyzed the essence and functions of the concept of effective organization of production, their classification, the impact of effective organization of production on the development of the enterprise and the assessment of its effectiveness, the indicators of effective organization of production in the “Jizzax Toshtepa Tekstil” limited liability company, were given suggestions and recommendations.

Калит сўзлар: enterprises of textile industry, production volume, production efficiency, export rate, strategy, capital, amortization.

МУНДАРИЖА

Аннотация	3-4
Мундарижа.....	5
Келтирилган жадваллар рўйхати.....	6
Келтирилган расмлар рўйхати.....	7
Келтирилган қисқартмалар.....	8
I БОБ. КИРИШ.....	9
1.1. Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	9
1.2. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.....	13
1.3. Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	14
1.4. Тадқиқот объекти ва предмети.....	15
1.5. Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти....	15
1.6. Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	16
II БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	17
2.1. Адабий манбаларда келтирилган тадқиқотлар натижалари.....	17
2.2. Тадқиқот гипотезаси.....	21
2.3. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш стратегиясини режалаштиришнинг мақсади ва вазифалари.....	29
III БОБ. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.....	51
3.1. Маълумотлар манбалари.....	51
3.2. Тадқиқот дизайни.....	51
3.3. Тадқиқотда қўлланилган услублар.....	53
3.4. Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар.....	53
3.5. Тадқиқот жараёнида кутилаётган муаммолар ва уларнинг ечими..	53
3.6. Тадқиқотдан кутилаётган илмий ва амалий натижалар.....	54
IV БОБ. ТАДҚИҚОТ ТАҲЛИЛИ ВА НАТИЖАЛАР.....	55
4.1. “JZZAX TOSHTEPA TEKSTIL” МЧЖ фаолияти тавсифи ва унинг кўрсаткичлари таҳлили.....	55
4.2. “JZZAX TOSHTEPA TEKSTIL” МЧЖда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг таҳлили.....	62
4.3. “JZZAX TOSHTEPA TEKSTIL” МЧЖнинг SWOT таҳлили ва маркетинг самарадорлигини ошириш ҳолати таҳлили.....	68
4.4. “JZZAX TOSHTEPA TEKSTIL” МЧЖда ишлаб чиқаришни самарали ташкил этишни такомиллаштириш йўллари.....	73
V БОБ. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	79
5.1. Тадқиқотнинг асосий илмий-амалий янгилиги ва натижалари....	79
5.2. Тадқиқот натижасида келтирилган асосий тавсия ва таклифлар....	79
5.3. Келгуси тадқиқотчилар учун таклифлар.....	82
ҲОЛДА ҚОЛДИРИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	83

І БОБ. КИРИШ

1.1. Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги

Мустакиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида етиштирилаётган хом ашёни кенг миқёсда қайта ишлаш асосида халқаро сифат мезонларига тўлиқ мос келадиган, сотишга мўлжалланган экспортбоп тайёр маҳсулотлар ҳажмини ошириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, республика қишлоқ хўжалигининг асосий хом ашёси ҳисобланган пахтадан кенг турдаги тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш ва улар савдосини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. «Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бутун жараёнини – хом ашёни чуқур қайта ишлашдан токи уни тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган йўлини - циклини, сарфланган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нечоғли ўзини қоплашини асослаб берган ҳолда, прогноз қилишни таъминлаш даркор»¹.

Жумладан, тўқимачилик саноатининг 2014-2020 йиллардаги ривожланишининг мақсадли прогноз кўрсаткичларига мувофиқ, мазкур саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилга қадар 6,9 трлн. сўмни ташкил этиши, бунда ип калава ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 баробарга газлама ишлаб чиқариш ҳажми 2,8 баробарга, шойи газлама ишлаб чиқариш ҳажми 2,7 баробарга, нотўқима матолар ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробарга, трикотаж матолар ишлаб чиқариш ҳажми эса 2,7 баробарга ортиши белгиланганлиги юқори аҳамиятга молик бўлди².

Мамлакатимизда тўқимачилик саноати корхоналарининг маркетинг стратегиялари бўйича бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида инқироз жараёнлари чуқурлашиб, дуне миқёсида харид талаби пасайиб бормоқда ва

¹ www.engilsanoat.uz расмий сайти маълумотлари.

² Nasridinova, T. O. (2021, June). Creating an export-oriented industrial structure and increasing the share of products in exports. in "Online-conferences" platform (pp. 4649).